



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СУДЪЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ ҲУЗУРИДАГИ
СУДЪЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ ТОМОНИДАН
2020 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН
ИШЛАР БЎЙИЧА**

АХБОРОТ

Тошкент-2020

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
------------	---

I. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ ВА ЎҚУВ-МЕТОДИК ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

1.1. Таълим жараёнини ташкилий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш.....	4
1.2. Таълим жараёнини ўқув-методик жиҳатдан таъминлаш.....	7
1.3. Таълим жараёнини ташкил қилиш.....	8
1.4. Маънавий-маърифий ва спорт тадбирлари.....	13

II. ИЛМИЙ ВА АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРИШ

2.1. Тайёрланган таҳлилий маълумотномалар ва ишлаб чиқилган қонун ҳужжатлари лойиҳалари.....	14
2.2. Қонун ҳужжатлари лойиҳалари бўйича тайёрланган хулосалар.....	17
2.3. Олий суд Пленуми қарори лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этилганлик ҳолати.....	25
2.4. Ўтказилган суд амалиёти умумлаштиришлари.....	27
2.5. Ишлаб чиқилган қўлланма ва рисоалар.....	28
2.6. Давлат дастурлари ва ҳукумат топшириқлари ижросини таъминлаш.....	30
2.7. Ўтказилган илмий-амалий конференция ва семинарлар.....	32
2.8. Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш.....	33
2.9. Халқаро ва идоралараро ҳамкорлик.....	35
2.10. Илмий-тадқиқот фаолиятига ёндош бошқа тадбирлар.....	39

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4096-сон қароридан келиб чиқиб, Судьялар олий мактаби судьяликка номзодларни тайёрлаш, судьялар ва суд аппарати ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича таълим ва илмий-тадқиқот фаолиятини амалга оширади.

Бу жараёнда инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда асосланган қарорлар қабул қилиш кўникмаларини ривожлантирадиган интерфаол ўқитиш усулларини таълим жараёнига жорий этиш, тингловчиларда юриспруденция, касбий этика, психология, ишга оид мулоқот, вақтни бошқариш, музокаралар олиб бориш усуллари, ахборотлар билан ишлаш технологиялари, ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ва қўллашга доир назарий билимлар ва амалий кўникмаларни ривожлантиришга асосий эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, қонунчиликни ривожлантириш ва ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантиришнинг долзарб масалалари бўйича чуқур фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш, суд-ҳуқуқ фаолиятини илмий-методик жиҳатдан таъминлаш, суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш, суд амалиёти ва статистикасини ўрганиш, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш масалалари ҳам Олий мактабнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари ҳисобланади.

Ушбу ахборотда 2020 йилда Судьялар олий мактаби томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида қисқача маълумотлар тақдим этилади.

I. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ ВА ЎҚУВ-МЕТОДИК ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

1.1. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛИЙ ВА МОДДИЙ-ТЕХНИК ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАШ

Судьялар олий мактабида **Кенгаш, 5 та кафедра, 8 та бўлим** ва бошқа тузилмалар фаолияти йўлга қўйилган.

Судьялар олий мактабида **11 нафар** илмий даражага эга бўлган мутахассислар фаолият кўрсатмоқда. Улардан **14 нафари** илгари судьялик лавозимида фаолият юритган, **5 нафари** юридик фанлар доктори (2 нафари профессор, 1 нафари доцент), **6 нафари** юридик фанлар номзоди (2 нафари доцент) ҳисобланади.

Штатдаги профессор-ўқитувчилар сони **10 нафарни** ташкил этиб, мавжуд штат доирасида **10 нафар** профессор-ўқитувчи асосий штатда, **3 нафар** ўқитувчи ўриндошлик асосида фаолият юритмоқда.

Кафедра педагог-ходимлари билан биргаликда, дарс машғулотларига меҳнатга ҳақ тўлашнинг соатбай шартлари асосида суд тизими ва бошқа ташкилотларда фаолият юритаётган, кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган **48 нафар** малакали мутахассислар (**12 нафари** олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, **22 нафари** судья, **14 нафари** суд ва бошқа соҳа мутахассислари) жалб қилинган.

Бугунги кунда Судьялар олий мактабининг таълим йўналиши бўйича илмий салоҳияти **70 фоизни** ташкил этади.

Олий мактабнинг ташкилий-ҳуқуқий, ўқув-услубий ва таълим жараёнини тартибга солувчи **20 дан ортиқ** локал ҳужжатлари ўз вақтида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган.

Судьялар олий мактабида таълим олувчи тингловчиларга муносиб ўқув-тайёргарлик шароитларини яратиш мақсадида **4 та махсус ўқув хонаси, 1 та суд имитация зали, кутубхона** ва **ахборот ресурс маркази** тингловчилар томонидан доимий фойдаланилди.

Пандемия шароитида электрон таълимни ташкил этиш ва видеоконференцияларни ўтказиш мақсадида мавжуд ресурслардан самарали фойдаланилиб, **масофавий таълим бериш тизими** йўлга қўйилди. Судьялар олий мактабининг профессор-ўқитувчилари ва тингловчиларининг рейтинг

кўрсаткичларини электрон тарзда шакллантириш, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва суд аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш курслари тингловчиларининг ўқув жараёнини онлайн тарзда назорат қилиш бўйича электрон платформа (**sud-edu.uz**) яратилди.

Судьялар олий мактаби ва “Онлайн сервис груп” МЧЖ ўртасида 15.05.2020 йилда OSG-W-14/05/2020-сонли шартнома ва унга 2020 йил 17 августда 1-сонли қўшимча келишув имзоланиб, унга кўра Олий мактабга онлайн мурожаат қилиш ва барча кадрларни назорат қилувчи (**Е-кадр**) дастурини ишга тушириш назарда тутилган.

Судьялар олий мактаби тингловчилари миллий, хорижий ва халқаро конун ҳужжатларини, чет эл тажрибаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўргатиш мақсадида **А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси** ва **АҚШнинг “West law” ахборот-кутубхона фонди** манбаларидан узлуксиз фойдаланиш имкониятидан самарали фойдаланмоқдалар.

Ахборот-ресурс марказини замонавий ўқув, илмий ва бошқа адабиётлар билан жиҳозлаш, шу жумладан маҳаллий ва хорижий ҳуқуқий ва ахборот-таҳлилий нашрларга мунтазам обуна бўлишини таъминлаш мақсадида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг хорижий илмий-таълимий, илмий-маърифий онлайн ахборот-кутубхона ресурслар фондига <http://old.natlib.uz:8101/SOM/> электрон манзил орқали доимий фойдаланувчи сифатида фойдаланиши имконияти яратилган, шунингдек Ахборот-кутубхона тизими орқали босма нашрларни излаш ва буюртма бериш дастури “ИБС” рўйхатдан ўтказилди.

Судьялар олий мактабининг **Ахборот-ресурс маркази** ҳамда ундаги интернет тармоғига уланган **30 дан ортиқ** сўнгги русумдаги компьютер техникалари ва кўп функцияли электрон доска тингловчилар томонидан фойдаланиб келинмоқда.

Ахборот-ресурс марказидаги мавжуд **700 дан ортиқ** миллий ва хорижий юридик, илмий адабиётлар ҳамда **400 дан ортиқ** бадиий адабиётлардан ҳамда Судьялар олий мактаби томонидан обуна бўлинган **13 та** хорижий ва **34 та** маҳаллий журнал ва газеталардан тингловчилар ва ходимлар ҳисобот даврида доимий фойдаландилар.

Бугунги кун ҳолатига кутубхонада жами **1212 та** (2019 йилда 1140 та) ўқув адабиётлари мавжуд бўлиб, шулардан: ўқув – **250 та**, илмий – **90 та**, бошқа адабиётлар – **416 та**, хорижий адабиётлар – **456 тани** ташкил этади.

Шунингдек, магистратура тингловчиларининг ҳар бирига бириктирилган **ноутбукдан** фойдаланиш имкониятлари таъминланди.

1.2. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ЎҚУВ-МЕТОДИК ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАШ

Ўқув жараёнини методик таъминлаш мақсадида:

Олий мактаб директорининг 2020 йил 9 апрелдаги 24-ум-сон буйруғи билан **“Республикада карантин даврида Судьялар олий мактаби тингловчиларининг масофавий стажировкасини ташкил этиш тўғрисида”**ги Низом;

Олий мактаб директорининг 2020 йил 15 июндаги 32-а-ум-сон буйруғи билан **“Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби магистратура тингловчиларининг карантин даврида фанлар бўйича ўқув дастурларини ўзлаштирганлик даражаларини аниқлаш тартиби”**;

“Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби магистратура тингловчиларининг магистрлик диссертацияси дастлабки, расмий ҳимоясини ҳамда якуний давлат аттестациясини масофавий шаклда ўтказиш тартиби”;

2020/2021 ўқув йили учун магистратура ўқув режаси ишлаб чиқилиб тасдиқланди. Шунингдек, ўқув режа асосида магистратуранинг **29 та** фанлар бўйича ўқув дастурлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Судьялар олий мактабида ташкил қилинган курсларда таълим жараёни мазмунини янада ошириш, дарс машғулотларини замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил қилиш ва интерфаол ўқитишни янада ривожлантириш мақсадида кафедра профессор-ўқитувчилари ва соатбай дарс машғулотларига жалб қилинган мутахассислар учун жорий йилнинг 5 март куни Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети доценти Г.Ибрагимова иштирокида **мастер-класс** ташкил қилинди.

1.3. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Магистратура:

Жорий йилнинг 16 март кунидан бошлаб республикада коронавирус инфекциясининг тарқалишини олдини олиш бўйича республика махсус комиссиясининг қарори ва Судьялар олий мактаби директорининг 2020 йил 16 мартдаги 20-ум-сон буйруғига кўра Судьялар олий мактабида барча турдаги ўқув машғулоти вақтинчалик тўхтатилди ва магистратура тингловчиларига навбатдан ташқари таътил берилди. Шу муносабат билан кафедра профессор-ўқитувчилари магистратура тингловчиларига масофавий дарсларни ташкил қилиш бўйича барча зарурий ишларни амалга оширган ҳолда видео, аудио, маъруза материаллари, мультимедиа тақдимотлари, назорат саволларини тайёрладилар ва жорий йилнинг 31 мартдан кафедралар томонидан барча йўналишлар бўйича **онлайн масофавий дарслар** ташкил қилинди.

2020 йилнинг 13 апрель кунидан бошлаб тингловчиларнинг **масофавий стажировкаси** ташкил қилинди. Карантин чоралари юмшатиш мақсадида сабабли, 13 май кунидан бошлаб тингловчилар ҳудудий вилоят, туман (шаҳар) судида стажировка ўташлари ташкил қилинди.

13-28 июль кунлари магистратура тингловчилари учун Яқуний давлат аттестация синовлари ўтказилди. Яқуний давлат аттестацияси синови натижаларига кўра **59 нафар** магистратура тингловчиси (*шундан 15 нафари - Жиноят ҳуқуқи ихтисослиги; 14 нафари - Фуқаролик ҳуқуқи ихтисослиги; 15 нафари - Маъмурий ҳуқуқ ихтисослиги; 15 нафари - Иқтисодий ҳуқуқ ихтисослиги бўйича*) ўқув жараёнларини муваффақиятли якунладилар.

31 декабрь ҳолатига кўра шулардан **18 нафари** судьялик лавозимига (*шундан 7 нафари иқтисодий, 6 нафари жиноят, 5 нафари фуқаролик ишлари бўйича суд судьялиги*) тайинландилар.

Судьялар олий мактабининг **2020/2021 ўқув йили учун 5А240121 – Суд фаолияти** (фаолият турлари бўйича) магистратура мутахассислиги бўйича қабул жараёни Судьялар олий кенгашининг 30.01.2020 йилдаги СОКҚ-6-III сонли “Қабул комиссияси таркибини тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғига асосан ташкил қилинди.

2020/2021 ўқув йили учун магистратура қабул комиссиясига жами **281** нафар талабгорлар ариза билан мурожаат қилдилар (*шундан, фуқаролик*

ишлари бўйича 55 нафар; жиноят ишлари бўйича 154 нафар; иқтисодий судлар бўйича 40 нафар; маъмурий судлар бўйича бўйича 32 нафар).

Жорий йилнинг 16-17 сентябрь кунлари икки босқичли синов имтиҳонлари ўтказилди ва синовдан муваффақиятли ўтган **75 нафар** номзод магистратура тингловчилари сафига қабул қилинди ва ҳозирда мазкур тингловчилар 1 йиллик магистратура таълим дастури асосида судьялик лавозими учун тайёрланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябрдаги “**Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги ПҚ-4818-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилда магистратура ўқув режасига “**Суд тизимида ахборот технологиялари**” фани киритилиб, фаннинг ўқув дастури ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Магистратура тингловчиларини Республика суд экспертизаси марказида ўтказиладиган экспертизалар билан таништириш мақсадида, жорий йилнинг 2 декабрь куни магистратура тингловчиларига Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказида **сайёр дарс** ташкил этилди.

Магистратура тингловчилари учун фанлар кесимида тингловчиларни дарс жараёнларида олган назарий билимларини мустаҳкамлашга қаратилган **кейслар тўплами**, оралик ва якуний назорат синовларида фойдаланиш учун ҳар бир фандан **300 тадан саволлар** базаси яратилди.

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб магистратура тингловчилари учун танлов фанлардан оралик назорат синовлари **тест шаклида**, мутахассислик фанларидан эса **оғзаки ва ёзма шаклда** комиссия тартибида синовларни ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди. Комиссия таркибига **Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва қуйи турувчи судлар судьялари, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси Академияси, Тошкент давлат юридик университети** ва бошқа муассасалар вакиллари киритилди.

Малака ошириш курслари:

Олий мактаб томонидан икки ҳафталик (жами 72 соат) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг буюртмаси асосида судьялар ва суд аппарати ходимларининг **малака ошириш курслари** ташкил қилинган.

2020 йилда жами **461 нафар** тингловчи малака ошириш курсларида малакасини оширган. Шулардан **334 нафарини** (101 нафари жиноят ишлари бўйича, 86 нафари фуқаролик ишлари бўйича, 80 нафари маъмурий, 67 нафари иқтисодий суд) судьялар, **127 нафарини** (34 нафари жиноят ишлари бўйича, 19 нафари фуқаролик ишлари бўйича, 32 нафари маъмурий, 42 нафари иқтисодий) суд аппарати ходимлари ташкил қилган.

Малака ошириш курсларининг **461 нафар** тингловчиларидан **349 нафари** онлайн режимида (шундан 251 нафари судьялар, 98 нафари суд аппарати ходимлари) ўқитилган.

Судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш бўйича ташкил этилган таълим йўналишларининг ўқув дастурларига “**Судлар фаолиятига жорий этилган ахборот тизимларидан фойдаланиш**”, “**Инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш**” мавзулари бўйича алоҳида ўқув модуллари киритилган.

Қисқа муддатли (вебинар) курслар:

Республика жиноят ишлари бўйича судлари судьялари учун “Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларни квалификация қилиш муаммолари” ва “Ўзганинг мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятларни квалификация қилиш муаммолари” (20.06.2020 йил);

Судьялар ва магистратура тингловчилари учун “Судьяларнинг оммавий ахборот воситалари билан ишлаш кўникмаларини такомиллаштириш” (09.05.2020);

Судьялар ва магистратура тингловчилари учун ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда “Тренинг для судей по уголовным делам, касающийся помещения несовершеннолетних в республиканские учебно-воспитательные учреждения” (18-19.06.2020 йил);

Судьялар ва магистратура тингловчилари учун БМТнинг Болалар фонди (ЮНИСЕФ) ҳамкорлигида “Вояга етмаганларни ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш: бола ҳуқуқлари соҳасида халқаро стандартлар” мавзуларида қисқа муддатли курслар, онлайн халқаро тренинг (23-24.06.2020 йил).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 30 июндаги раҳбарий кўрсатмаларига мувофиқ:

- суд-тергов амалиётида юзага келаётган муаммоли масалаларни аниқлаш ва уларнинг ечимини топиш бўйича қисқа муддатли ўқув курслари дастури жинойт ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди билан келишилган ҳолда тасдиқланди;

- жорий йилда 4 мартаба масофавий ўқув курслари ўтказилди;

- 2020 йил 17 ноябрь куни Тошкент шаҳрининг барча ихтисослик бўйича судьялари учун **“Суд ва тергов органларини коррупциядан холи тизимга айлантириш, улар фаолиятининг очиқлиги, ошкоралиги ва шаффофлигини ошириш”** мавзусида қисқа муддатли курс ташкил этилди;

- **“Судьяларнинг ўз ташаббуслари билан танланган соҳа бўйича қисқа муддатли малака ошириш курсларини ташкил этиш тартиби”** ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди, ЖИБ Тошкент шаҳар суди билан келишилган ҳолда тасдиқланди;

- судья ва суд аппарати ходимлари учун **“Судьялар этикаси”, “Суд психологияси”, “Замонавий ахборот коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлиги”** курсларининг дастур лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Жинойт ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди билан келишилган ҳолда тасдиқланди;

- ўқув видеодарс мавзулари шакллантирилди ва мавзулар жинойт ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди билан келишилиб, онлайн видеодарслар ташкил этилди;

- Судьялар олий мактабининг www.sudyalaroliymaktabi.uz веб сайтида электрон кутубхона ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги **“Рақобат мухитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПФ-6019-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида

2020 йилнинг 24-26-сентябрь кунлари “**Рақобат сиёсати ва ҳуқуқ асослари**” бўйича судьялар малакасини ошириш курслари ташкил этилди. Курсда **8 нафар** судья (*шундан жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатидан 2 нафар, фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатидан 2 нафар, маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатидан 1 нафар, иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатидан 2 нафар, Судьялар олий мактабидан 1 нафар*) тингловчи сифатида иштирок этди.

2021 йилда мазкур курсларни мунтазам ташкил этиш бўйича дастур тасдиқланди.

1.4. МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ВА СПОРТ ТАДБИРЛАРИ

Тингловчиларнинг маънавий дунёқарашини янада бойитиш мақсадида уларнинг машғулотлардан бўш пайтларида режали асосда **музейлар, театр ва бошқа маданий-маърифий масканларга ташрифи** ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 28 йиллиги муносабати билан жорий йилнинг 9 декабрь куни Судьялар олий мактаби ходимлари ва магистратура тингловчилари иштирокида **мини-футбол турнири** ўтказилди.

Жорий йилнинг 25 декабрь куни прокуратура ва суд ходимларининг жисмоний тайёргарлигини ошириш, қолаверса, ҳар иккала ўқув муассасалари ўртасидаги дўстона ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида Бош прокуратура Академияси ва Судьялар олий мактаби ҳамкорлигида профессор-ўқитувчилар ва магистратура тингловчилари ўртасида **мини-футбол бўйича турнир** ўтказилди.

Тингловчиларнинг саводхонлигини ошириш мақсадида китобхонлик тадбирлари ўтказилди. Ҳар бир тингловчининг ўқиган китоби юзасидан “эссе” ёзиш амалиёти давом эттирилди.

II. ИЛМІЙ ВА АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРИШ

Суд-ҳуқуқ тизимини, шу жумладан қонунчиликни такомиллаштириш ва ягона суд амалиётини шакллантиришнинг долзарб масалалари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш, шунингдек суд-ҳуқуқ фаолиятини илмий-методик жиҳатдан таъминлаш, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш юзасидан қуйидаги ишлар амалга оширилди.

2.1. ТАЙЁРЛАНГАН ТАҲЛИЛИЙ МАЪЛУМОТНОМАЛАР ВА УЛАР АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ЛОЙИҲАЛАРИ

2020 йил давомида **5 та** қонун лойиҳаси (1 таси янги қонун), **1 та** Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони лойиҳаси, **1 та** Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси, **3 та** Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси, **4 та** таҳлилий маълумотномалар тайёрланиб тегишли ташкилотларга кўриб чиқиш ва қабул қилиш учун юборилган.

1. Судьялар мустақиллигини янада кучайтириш ва уларнинг интизомий жавобгарлиги тизимини такомиллаштириш юзасидан таҳлилий маълумотнома ва “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси (04.06.2020 йилда Олий судга юборилган).

2. Юқори инстанция судлари томонидан қўйи судлар судьяларига нисбатан хусусий ажрим чиқаришга оид таҳлилий маълумотнома ва “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси (04.07.2020 йилда Президент Администрациясига юборилган).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги ПҚ-4551-сон қарори билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастурининг 4.3-банди ижросини таъминлаш юзасидан “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси (06.07.2020 йилда Президент Администрациясига юборилган).

4. Фуқаролик ишлари бўйича судлар судьяларининг иш юкламасини ўрганиш юзасидан таҳлилий маълумотнома (20.04.2020 йилда Президент Администрациясига, Судьялар олий кенгашига юборилган).

5. Ўзбекистонда низоларни ҳал қилишнинг муқобил усулларини ривожлантириш ва фуқаролик ишлари бўйича судьяларнинг иш юкламасини камайтириш бўйича ҳуқуқий шароитларни яратишга оид таҳлилий маълумотнома ва “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси (10.07.2020 йилда Президент Администрациясига юборилган).

6. “Ўзбекистон Республикаси судьялар ҳамжамияти органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси (30.09.2020 йилда Президент Администрациясига юборилган).

7. “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳаси (24.11.2020 йилда Президент Администрациясига юборилган).

8. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4096-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси (21.12.2020 йилда Президент Администрациясига юборилган).

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 октябрдаги 312-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарори лойиҳаси (27.03.2020 йилда Президент Администрациясига юборилган).

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 22 декабрдаги 1013-сон қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қарори лойиҳаси (27.03.2020 йилда Президент Администрациясига юборилган).

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарорига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қарор лойиҳаси (27.03.2020 йилда Президент Администрациясига юборилган).

2.2. ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ЛОЙИҲАЛАРИ ЮЗАСИДАН ТАЙЁРЛАНГАН ХУЛОСАЛАР

1. “Суднинг фаолиятига аралашганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 236-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси (25.02.2020 йилда Олий судга юборилган).

2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси (28.02.2020 йилда Олий судга юборилган).

3. “Иқтисодиётда давлат улушини қисқартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори лойиҳаси (12.03.2020 йилда Давлат активларини бошқариш агентлигига юборилган).

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида суриштирув ва дастлабки тергов органларининг фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони лойиҳаси (24.03.2020 йилда Бош прокуратурага юборилган).

5. “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси (24.03.2020 йилда Конституциявий судга юборилган).

6. “Мулкдорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолатларини янада кучайтириш билан боғлиқ ҳолда Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси (25.03.2020 йилда Олий судга юборилган).

7. Шикоятни суд томонидан кўриб чиқишга оид “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги Қонун лойиҳаси (10.04.2020 йилда Олий судга юборилган).

8. Терговга қадар текширув ўтказувчи орган мансабдор шахсининг, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарорлари устидан судга шикоят қилиш билан боғлиқ Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги

Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси (11.04.2020 йилда Бош прокуратурага юборилган).

9. Проект Закона Республики Узбекистан «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан», предусматривающий обжалование в суд решения должностного лица органа, осуществляющего доследственную проверку, дознавателя, следователя, прокурора (11.04.2020 йилда Бош прокуратурага юборилган).

10. “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент Фармони лойиҳаси (14.04.2020 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига юборилган).

11. “Адвокатура институтини янада такомиллаштириш ва адвокатлар мақомини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси (20.04.2020 йилда Адвокатлар палатасига юборилган).

12. “Суд муҳокамаларида прокурорнинг иштирок этиши такомиллаштирилиши муносабати билан “Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги Қонун лойиҳаси (21.04.2020 йилда Олий судга юборилган).

13. Телефон сўзлашувларини эшитиш тергов ҳаракатларини амалга ошириш бўйича “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси (06.05.2020 йилда Бош прокуратурага юборилган).

14. Проект Закона Республики Узбекистан «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан» в связи с проведение отдельных следственно-розыскных мероприятий в отношении судей (06.05.2020 йилда Бош прокуратурага юборилган).

15. “Таълим ташкилотлари, педагог ходимлар, таълим олувчилар, таълим-тарбия жараёни ва бошқа зарур ахборотлар тўғрисида ягона маълумотлар базасидан иборат ахборот тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси (19.05.2020 йилда Таълим сифати устидан назорат қилиш бўйича давлат инспекциясига юборилган).

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**Жиноий жазони ижро этиш тизимида таълимни ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**”ги қарори лойиҳаси (22.05.2020 йилда Бош прокуратурага юборилган).

17. Ўзбекистон Республикасининг **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг** янги таҳрирдаги лойиҳаси (13.07.2020 йилда Бош прокуратурага юборилган).

18. Ўзбекистон Республикаси **Фуқаролик кодексининг** (янги таҳрири) лойиҳаси (24.07.2020 йилда Адлия вазирлигининг *Хуқуқий сиёсат тадқиқот институтига* юборилган).

19. “**Халқ билан мулоқот ва аҳоли муурожаатлари билан ишлаш тизими самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳаси (21.07.2020 йил *Президент Администрациясига* юборилган).

20. “**Судлар фаолиятини рақамлаштириш тўғрисида**” Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси (05.08.2020 йилда *Олий судга* юборилган).

21. Ўзбекистон Республикасининг **Ижро иши юритиш тўғрисидаги** кодекси лойиҳаси. (10.08.2020 йилда *Бош прокуратурага* юборилган).

22. Ўзбекистон Республикасининг **Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги** кодекси лойиҳаси (11.08.2020 йилда *Бош прокуратурага* юборилган).

23. “**Жиноят процессига жиноят иши бўйича дастлабки эшитув институти жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси (14.08.2020 йилда *Олий судга* юборилган).

24. Ўзбекистон Республикасининг “**Жиноят процессига жиноят иши бўйича дастлабки эшитув институти жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**”ги Қонуни лойиҳаси (14.08.2020 йилда *Олий судга* юборилган).

25. “**Таълим сифатини назорат қилиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида**”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти

Фармони лойиҳаси. (17.08.2020 йилда Таълим сифати устидан назорат қилиш бўйича давлат инспекциясига юборилган).

26. “Судьяларнинг хизмат уй-жойлари фондини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси. (17.08.2020 йил Олий судга юборилган).

27. “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги Президент Фармони лойиҳаси (22.08.2020 йилда Бош прокуратурага юборилган).

28. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Президент қарори лойиҳаси. (22.08.2020 йилда Таълим сифати устидан назорат қилиш бўйича давлат инспекциясига юборилган).

29. “Суд қарорларини қайта кўриш институтини такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун лойиҳаси. (25.08.2020 йилда Олий судга юборилган).

30. “Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси (25.08.2020 йилда Олий судга юборилган).

31. “Суд қарорларини қайта кўриш институтини такомиллаштирилиши ҳамда маъмурий судлар тизимини оптималлаштириши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун лойиҳаси. (26.08.2020 йилда Олий судга юборилган).

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тезкор-қидирув, тергов ва жазони ижро этиш фаолиятида қийноқнинг олдини олиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси (26.08.2020 йилда Бош прокуратурага юборилган).

33. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги “Судьялар ва уларнинг оила аъзолари пенсия таъминоти шартлари, меъёрлари ҳамда тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 11-сонли Қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор лойиҳаси. *(03.09.2020 йилда Олий судга юборилган).*

34. “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси *(03.09.2020 йилда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш Давлат инспекциясига юборилган).*

35. “Терговга қадар текширув органига оид Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси *(05.09.2020 йилда Бош прокуратурага юборилган).*

36. “Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларга доир суд қарорларини қайта кўришнинг процессуал тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун лойиҳаси *(07.09.2020 йилда Олий судга юборилган).*

37. “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси (тергов олди текширувига оид) *(08.09.2020 йилда Бош прокуратурага юборилган).*

38. Ярашув институти кенгайтирилиши муносабати билан “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси *(08.09.2020 йилда Олий судга юборилган).*

39. “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси (тергов олди текширувига оид) *(08.09.2020 йилда Бош прокуратурага юборилган).*

40. Ўзбекистон Республикасининг “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига

ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Қонуни лойиҳаси (14.09.2020 йилда Бош прокуратурага юборилган).

41. Вазирлар Маҳкамасининг “Одам савдосидан жабрланганларни идентификация қилиш ва қайта йўналтириш тартиби тўғрисида”ги Низом лойиҳаси (24.09.2020 йилда ИИВга юборилган).

42. Вазирлар Маҳкамасининг “Одам савдосидан жабрланганларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашувини амалга ошириш ҳамда уларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш тартиби тўғрисида” Низом лойиҳаси (24.09.2020 йилда ИИВга юборилган).

43. Ўзбекистон Республикасининг “Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида холислар институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси (06.10.2020 йилда Бош прокуратурага юборилган).

44. “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрирдаги лойиҳаси (20.10.2020 йилда Олий судга юборилган).

45. “Коррупция билан боғлиқ жиноятлар ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси (01.11.2020 йилда Коррупцияга қарши кураш Агентлигига юборилган).

46. “Меҳнат соҳасидаги мурожаат ва низоларни ўрганиш ва ҳал қилиш марказини ташкил этиш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси (03.11.2020 йилда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига юборилган).

47. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси (04.11.2020 йилда Коррупцияга қарши курашиш агентлигига юборилган).

48. “Жиноят ишлари бўйича суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси (19.11.2020й. <https://regulation.gov.uz/>).

49. “Суд ҳокимияти органларини молиялаштиришни тубдан яхшилаш ва судьялар ижтимоий ҳимоясини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони лойиҳаси (24.11.2020 йилда Олий судга юборилган).

50. “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига қўшимча тўловни белгилаш, тўлаш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида” қарор лойиҳаси (26.11.2020 йилда Молия вазирлигига юборилган).

51. “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (“Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни) Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси. (02.12.2020 йилда Таълим сифати устидан назорат қилиш бўйича давлат инспекциясига юборилган).

52. “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси (16.12.2020 йилда Бош прокуратурага юборилган).

53. “E-sud” миллий электрон судлов ахборот тизимини такомиллаштириш юзасидан амалдаги қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси (19.12.2020 йилда Адлия вазирлигига юборилган).

54. “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси (28.12.2020 йилда Бош прокуратурага юборилган).

55. “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси (28.12.2020 йилда Бош прокуратурага юборилган).

56. “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси (аноним хабарларга оид) (23.12.2020 йилда Бош прокуратурага юборилган).

57. Конвенция ООН о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин в рамках рассмотрения Шестого периодического доклада Узбекистана (28.12.2020 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига юборилган).

58. Проект Национального плана действий (“Дорожная карта”) по выполнению рекомендаций Комитета ООН против пыток по итогам рассмотрения **“Пятого периодического доклада Узбекистана по выполнению Конвенции против пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения и наказания”** (на 2020–2023 годы).

2.3. ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ ҚАРОРИ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА ИШТИРОК ЭТИЛГАНЛИК ҲОЛАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судда иш юритиш очиклигини ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси (16.01.2020 йилда Олий судга юборилган).

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан фуқаролик ишларини кўриб чиқишда далилларга оид қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси (28.02.2020 йилда Олий судга юборилган).

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд томонидан ҳимоя қилиниши тўғрисида”ги қарори лойиҳаси (22.05.2020 йилда Олий судга юборилган).

4. Проект постановления Пленума Верховного суда «О некоторых вопросах, возникающих в судебной практике в связи с применением Земельного кодекса и иных актов законодательства, регулирующих земельные отношения» (24.08.2020 йилда Олий судга юборилган).

5. Проект постановления Пленума Верховного суда “О судебной практике по применению принципов и норм международного права и международных договоров Республики Узбекистан” (25.09.2020 йилда Олий судга юборилган).

6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси (05.10.2020 йилда Олий судга юборилган).

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ўзбекистон Республикаси норезиденти - чет эл шахслари иштирокидаги ишларни иқтисодий судлар томонидан кўрилишида қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги қарори лойиҳаси (03.11.2020 йилда Олий судга юборилган).

8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Жиноят сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш бўйича судлар ролини ошириш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси (03.11.2020 йилда Олий судга юборилган).

2.4. ЎТКАЗИЛГАН СУД АМАЛИЁТИ УМУМЛАШТИРИШЛАРИ

2020 йилда Суд амалиёти муаммоларини ўрганиш маркази томонидан режа асосида фуқаролик, жиноят, иқтисодий ва маъмурий ишларни юритиш соҳасида ягона суд амалиётини таъминлаш бўйича **5 та умумлаштириш** ўтказилиб, уларнинг якуни бўйича тайёрланган таҳлилий маълумотномалар Олий судга тақдим этилган.

1. Фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан битимлар билан боғлиқ низоларни ҳал этиш юзасидан суд амалиётини умумлаштириш (06.03.2020 йилда Олий судга юборилган).

2. Иқтисодий судлар томонидан давлат божи ундирилиши билан боғлиқ суд амалиётини умумлаштириш (06.04.2020 йилда Олий судга юборилган).

3. Маъмурий судлар томонидан фермер хўжаликлари билан боғлиқ бўлган ер низолари бўйича маъмурий ишларни кўриш амалиётини умумлаштириш (04.06.2020 йилда Олий судга юборилган).

4. Фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан меҳнат низолари билан боғлиқ фуқаролик ишларини кўрилиши юзасидан суд амалиётини умумлаштириш (08.07.2020 йилда Олий судга юборилган).

5. Сув таъминоти корхоналари иштирокидаги сув етказиб бериш ва оқава хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ низоларни иқтисодий судлар томонидан кўрилиш амалиётини умумлаштириш (20.07.2020 йилда Олий судга юборилган).

2.5. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ҚЎЛЛАНМА ВА РИСОЛАЛАР

Судьялар олий мактаби профессор-ўқитувчилари ва ходимлари томонидан **4 та дарслик** (1 таси ҳаммуаллифликда), **7 та илмий–амалий қўлланма**, **3 та монография** ва **3 та конференция материаллари** тўплами тайёрланиб, чоп этилди.

1. **“Международные стандарты в сфере справедливого правосудия и их реализация в Республике Узбекистан”** номли дарслик.

2. **“Правовые основы привлечения юридических лиц к ответственности за коррупционные правонарушения в зарубежных странах”** номли дарслик.

3. **“Противодействие коррупции в частном секторе: международные стандарты и зарубежная правоприменительная практика”** номли дарслик.

4. **“Инвестиция ҳуқуқи”** номли дарслик (муаллифлар жамоаси).

5. **“Сайёр суд мажлиси: таҳлил ва таклифлар”** номли амалий қўлланма.

6. **“Фуқаролик суд ишларини юритишнинг ўзига хос хусусиятлари”** номли амалий қўлланма.

7. **“Иқтисодий ишларни биринчи инстанция судларида кўриш тартиби”** номли амалий қўлланма.

8. **“Фуқаролик ишларини биринчи инстанция судларида кўриш тартиби”** номли амалий қўлланма.

9. **“Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий ишларни биринчи инстанция судларида кўриш тартиби”** номли амалий қўлланма.

10. **“Жиноят ишени судга қадар юритиш ва жазони ижро этиш босқичида суд назорати”** номли илмий-амалий қўлланма.

11. **“Жиноят процесси босқичларида суд назорати”** номли амалий қўлланма.

12. **“Марказий Осиёда трансчегаравий сувлардан фойдаланишнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари”** номли монография.

13. **“Жиноят процессида ишни судга қадар юритиш устидан суд назорати”** номли монография.

14. **“Суд ҳокимияти мустақиллигига оид халқаро стандартлар”** номли монография.

15. **“Жиноят ва маъмурий суд ишлари юритувини такомиллаштириш масалалари”** номли илмий-амалий конференция материаллари тўплами.

16. **“Одил судловда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб муаммолари”** номли илмий-амалий конференция материаллари тўплами.

17. **“Суд муҳокамасида тарафлар тенглиги ва ўзаро тортишув принципи: жиноят-процессуал функцияларнинг оқилона тақимланиши”** номли илмий-амалий конференция материаллари тўплами.

2.6. ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ ВА ҲУКУМАТ ТОПШИРИҚЛАРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ТАДБИРЛАРДА ИШТИРОК ЭТИЛГАНЛИК ҲОЛАТИ

1. Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш ҳолати бўйича Миллий комиссия таркибида иштирок этилди.

2. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Жиноят кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишда ишчи гуруҳ таркибида иштирок этилди.

3. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Жиноят-процессуал кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишда ишчи гуруҳ таркибида иштирок этилди.

4. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Жиноий жазони ижро этиш кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишда ишчи гуруҳ таркибида иштирок этилди.

5. “Жаҳон одил судлов лойиҳаси” халқаро ноҳукумат ташкилотининг “Ҳуқуқ устуворлиги” индексида Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш бўйича “Йўл харитаси”да бегиланган топшириқлар ижроси юзасидан таҳлилий маълумотнома тайёрланди (2020 йил 20 апрелда Адлия вазирлигига юборилган).

6. Олий Мажлис ҳузуридаги Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашувчи комиссиянинг фаолиятида иштирок этилди.

7. БМТнинг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саяннинг дастлабки ҳисоботи бўйича шарҳ тайёрланди (27.01.2020 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига юборилган).

8. Жаҳон банкининг Давлат бошқарув индикаторларида Ўзбекистон Республикасининг ўрнини мустаҳкамлаш бўйича махсус чоратadbирлар режаси лойиҳасини ишлаб чиқишда иштирок этилди (16.01.2020 йилда Адлия вазирлигига юборилган).

9. Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг 2019 йил 15 июндаги 5-сонли баённомасига асосан Олий таълим соҳасида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини тайёрлаш ва амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳ таркибида иштирок этилди.

10. “Тошкент шаҳрида жиноятларни жиловлаш, жиноятчилик профилактикасини янада такомиллаштириш, одил судловни таъминлаш

ва коррупциядан холи худудга айлангириш буйича Йул харитаси’да белгиланган вазифалар буйича комплекс чора-тадбирлар режаси ижросини таъминлашда иштирок этилди.

2.7. ЎТКАЗИЛГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ВА СЕМИНАРЛАР

1. “Одил судловда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий онлайн конференция (29.05.2020 йил).

2. “Жиноят ва маъмурий суд ишлари юритувини такомиллаштириш масалалари” мавзусида илмий-амалий онлайн конференция (30.05.2020 йил).

3. “Одил судловда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб масалалари” мавзусида халқаро илмий-амалий онлайн конференция (03.07.2020 йил).

4. Тошкент давлат юридик университети билан ҳамкорликда “Суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш истиқболлари: БМТ Махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян тавсиялари асосида илм-фан олдида турган долзарб вазифалар” мавзусидаги онлайн илмий-амалий семинар (06.08.2020 йил).

5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси билан ҳамкорликда “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар” номли онлайн ўқув семинари (21.08.2020 йил).

6. Тошкент давлат юридик университети, Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан ҳамкорликда “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштиришнинг долзарб масалалари” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция (17.09.2020 йил).

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси билан ҳамкорликда “Олий таълимдан кейинги таълим институтларида ўқиш ва диссертацияга қўйиладиган талаблар” мавзусида вебинар (18.12.2020 йил).

2.8. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 22 майдаги 304-сон қарори талабларига мувофиқ Судьялар олий кенгашининг 2019 йил 2 августдаги СОКҚ-1178-III ва 2019 йил 17 сентябрдаги СОКҚ-1211-III қарорлари билан 12.00.02 Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ. Молия ва божхона ҳуқуқи, 12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ, 12.00.04 Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Хўжалик процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик жараёни ва Медиация, 12.00.05 Меҳнат ҳуқуқи. Ижтимоий таъминот ҳуқуқи, 12.00.07 Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура, 12.00.08 Жиноят ҳуқуқи, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Криминология. Жиноят-ижроия Ҳуқуқи, 12.00.09 Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси, 12.00.10 Халқаро ҳуқуқ ихтисосликлари бўйича **Судьялар олий мактабида олий ўқув юртидан кейинги таълим институти** ташкил этилди.

Жорий йилда мазкур институтга суд-ҳуқуқ тизими ва қонунчиликни такомиллаштириш, ягона суд амалиётини шакллантиришнинг долзарб масалалари бўйича чуқур фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш қобилиятига эга **42 нафар (12 нафар таянч докторантура, 3 нафар докторантура ва 27 нафар мустақил изланувчи)** изланувчилар қабул қилинди.

Мустақил изланувчиларнинг тасдиқланган диссертация мавзулари, илмий раҳбарлари ва илмий консультантлари тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг маълумотлар базасига (www.phd.mininnovation.uz) киритилди.

Судьялар олий мактабининг Илмий кенгашида **2 нафар** тадқиқотчи (М.Тожибоев, А.Одинаев)нинг номзодлик диссертациялари химояси ўтказилди.

Судьялар олий мактабининг Илмий кенгаши ҳузуридаги илмий семинари томонидан **3 нафар** тадқиқотчининг (М.Тожибоев, А.Одинаев, В.Топилдиев) диссертациялари муҳокамаси ҳамда етакчи ташкилот сифатида **7 нафар** тадқиқотчининг диссертациялари муҳокама қилинди.

Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2020 йил 13 май кунидаги 278/4-сонли қарори билан Судьялар олий мактаби 12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ ҳамда 12.00.04 Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Хўжалик процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик жараёни ва Медиация ихтисосликлари бўйича **малакавий имтиҳон қабул қилиш комиссияси** ташкил этилиб, унинг таркиби ва дастури ҳамда етакчи ташкилотлар рўйхати тасдиқланди.

2.9. ХАЛҚАРО ВА ИДОРАЛАРАРО ҲАМКОРЛИК

Ўтган давр мобайнида Судьялар олий мактабида Қозоғистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Одил судлов академияси, Корея Республикасининг Олий суди ҳузуридаги Суд тадқиқотлари ва ўқитиш институти, БМТнинг Тараққиёт Дастури, БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси (UNODC), Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, ЮНИСЕФ, ЮСАИДнинг Ўзбекистондаги ҳуқуқий ислохотлар Дастури, Халқаро юристлар комиссияси ва “Минтақавий мулоқот” халқаро ташкилоти вакиллари билан онлайн учрашувлар бўлиб ўтди ва унда 2020 йилда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш тўғрисида келишувга эришилди. Хусусан:

1. Қозоғистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Одил судлов академияси вакили К.Садикова хизмат сафари билан жорий йилнинг 7 февраль куни Судьялар олий мактабида бўлиб, ташриф давомида Олий мактаб раҳбарияти билан учрашди, кафедралар фаолияти ҳамда ўқув жараёни билан бевосита танишди;

2. Корея Республикасининг Олий суди ҳузуридаги Суд тадқиқотлари ва таълим институти билан ўзаро ҳамкорлик доирасида жорий йилнинг 25 август куни “Пандемия шароитида иш юритишни таъминлаш” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда ҳар икки томон вакиллари пандемия шароитида таълим тизимини ҳамда иш фаолиятни онлайн тартибда йўлга қўйиш тажрибаси бўйича фикр алмашишди;

3. Қозоғистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан жорий йилнинг 25 ноябрь куни ташкил этилган “**Судьяларни танлаш, тайёрлаш ва фаолиятини баҳолашда замонавий рақамли технологиялар ҳамда HR технологиялардан фойдаланиш**” мавзусида халқаро давра суҳбати ташкил этилди.

Илмий тадқиқотларни, норматив-ҳуқуқий, методик ва таҳлилий ахборотлар алмашишни йўлга қўйиш, таълим ва илмий жараёнга хорижий мутахассисларни жалб этиш, педагогик, илмий ходимлар ва тингловчиларнинг стажировкасини ташкил этиш мақсадида самарали халқаро ҳамкорлик амалга ошириб келинмоқда. Хусусан:

1. ЮСАИДнинг Ўзбекистондаги ҳуқуқий ислохотлар Дастури билан ҳамкорлик доирасида АҚШлик эксперт Джозеф Трафиканти (Нью Йорк шаҳрининг нафақадаги судьяси) иштирокида **“Судьялик этикаси ва психологияси”** мавзусида тренинг (20-24.01.2020 й.);

2. Германиянинг халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) ҳамкорлигида Германиялик эксперт, нафақадаги Бремен округ суди судьяси Хайнрих Шнитгер иштирокида **“Суд қарорларини қабул қилишда судья ва адвокатнинг ҳамкорлиги масалалари”** мавзусида семинар (11.02.2020 й.);

3. ЮНИСЕФ ваколатхонаси билан ҳамкорликда жиноят ишлари бўйича судьялар ва тингловчилар учун **“Вояга етмаганларни республика ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш”** мавзусида халқаро тренинг (18-19.06.2020 й.);

4. ЮНИСЕФ ваколатхонаси билан ҳамкорликда жиноят ишлари бўйича судьялар ва тингловчилар учун **“Вояга етмаганларни ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириш: бола ҳуқуқлари соҳасида халқаро стандартлар”** мавзусида халқаро тренинг (23-24.06.2020 й.);

5. Судьялар олий мактаби, Олий суд, ТДЮУ, Бош прокуратура Академияси, ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти ҳамда Япониянинг Нагоя Университети вакиллари иштирокида **“Одил судловда ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб масалалари”** мавзусидаги илмий-амалий онлайн конференция (02.07.2020 й.);

6. Адвокатлар палатаси ва “Минтақавий мулоқот” халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда **“Одил судлов ва юридик химоя масалалари. Халқаро тажриба мавзусида”** халқаро конференция (16.07.2020 й.);

7. ЮСАИДнинг Ўзбекистондаги ҳуқуқий ислохотлар дастури билан ҳамкорлик доирасида АҚШлик эксперт Джозеф Трафиканти (Нью Йорк шаҳрининг нафақадаги судьяси) иштирокида **“Судьялик этикаси ва психологияси”, “Суд этикаси бўйича маслаҳат комитети”** мавзусида онлайн тренинг (27–30.07.2020 й.);

8. USAID нинг Ўзбекистондаги ҳуқуқий ислохотлар дастури билан ҳамкорликда **“Лойиҳалар бошқаруви, суд тизимини бошқариш ва бошқарув психологияси, вақтни бошқариш, самарали раҳбарлик сифатлари”** мавзусида онлайн тренинг (23-25.09.2020 й.);

9. Судьялар олий мактаби ва Германиянинг халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) билан ҳамкорлик доирасида германиялик эксперт, Германиянинг Ольденбург шаҳар суди судьяси Хортс Фрелс иштирокида **“Суд ҳужжатларини шакллантириш техникаси”** мавзусида онлайн семинар (30.09.2020 й.);

10. Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссари бошқармаси ва Халқаро юристлар комиссияси ҳамкорлигида **“Иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳада халқаро ҳуқуқ”** мавзусида тренинг (8-9.10.2020 й., 19-20.11.2020 й.);

11. БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси ҳамкорлигида **“Одам савдосига қарши курашиш. Халқаро стандартлар ва хорижий давлатлар тажрибаси”** мавзусида онлайн тренинг-семинар (14.10.2020 й.);

12. Судьялар олий мактаби ва Германиянинг халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) билан ҳамкорлик доирасида Германиянинг Макс Планк институти илмий ходими – халқаро эксперт Маттиас Харвиг иштирокида **“Маъмурий судлов ишини юритиш. Германия тажрибаси”** мавзусида онлайн семинар (24.11.2020 й.);

13. Олий суд, Тошкент шаҳар иқтисодий ва маъмурий судлари судьялари учун Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти экспертлари иштирокида **“Интеллектуал мулк бўйича судьяларнинг йиллик форуми”** ташкил этилди (18-20 ноябрь 2020 й.);

14. ЮСАИДнинг Ўзбекистондаги ҳуқуқий ислохотлар Дастури ва Судьялар олий мактаби ҳамкорлиги доирасида **“Одил судлони таъминлашда гендер тенглик масалалари”** мавзусида тренинг (16.12.2020 й.);

15. БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги учун ҳамкорлик” лойиҳаси билан ҳамкорликда **“Судьялар томонидан стрессни бошқариш”** мавзусида тренинг (17-18.12.2020 й.);

16. Олий суд, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда Судьялар олий мактаби томонидан **“Интеллектуал мулк ҳамда интеллектуал мулк билан боғлиқ бўлган ноҳалол (инсофсиз) рақобатга барҳам бериш”** мавзусида халқаро тренинг (21-24.12.2020 й.);

17. Тошкент давлат юридик университети, Олий суд, Қирғизистон Республикасининг Қирғиз-ўзбек университети билан ҳамкорликда **“Суд**

тизимини ислоҳ қилиш: Ўзбекистон ва Қирғизистон халқаро тажрибаси”
мавзусида халқаро илмий-амалий конференция (23.12.2020 й.);

18. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти билан ҳамкорлик доирасида **“Болалар ҳуқуқини рақамлаштириш даврида ҳимоя қилиш”** мавзусида халқаро давра суҳбати (22-23.12.2020 й).

2.10. ОЛИЙ МАКТАБНИНГ ИЛМИЙ–ТАДҚИҚОТ ФАОЛИЯТИГА ЁНДОШ БОШҚА ТАДБИРЛАР

Олий мактабнинг www.sudyalaroliymaktabi.uz расмий веб-сайти янгиланди, унинг “Facebook” ва “Телеграм” ижтимоий тармоқларида саҳифалари очилди.

Олий мактаб ходимлари томонидан давлат ва нодавлат телерадиоканалларида **100 дан ортиқ** ҳуқуқий мавзудаги чиқишлар қилинди, **120 дан ортиқ** илмий-амалий мақолалар газета, журнал ва интернет тармоқларида чоп этилди.

Судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари вакиллари иштирокида суд амалиётида юзага келаётган долзарб муаммоларни ҳал қилишга бағишланган **30 дан ортиқ** давра суҳбатлари, семинар-ўқув машғулоти, тренинглари ўтказилди.

Судья ва суд ходимларини суд-ҳуқуқ соҳасидаги сўнгги янгиликлар, суд амалиётидаги мавжуд муаммолар ва унинг ечимига қаратилган фикр-мулоҳазалар, суд ҳаётида содир бўлаётган долзарб масалалар ҳақида таништириб бориш мақсадида Судьялар олий мактаби томонидан “**Одиллик мезони**” илмий, амалий, оммабоп журнали таъсис этилди.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан юриспруденция соҳасида асосий илмий-амалий натижаларни нашр қилиш учун тавсия қилинадиган илмий нашрлар рўйхатига киритилди.

2020 йилда журнал ҳар ойда бир марта нашр этилиб, жами **12 та сони** чоп этилди.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ажратилган грант доирасида одил судловни амалга оширишнинг долзарб муаммоларига бағишланган **2 та амалий тадқиқотлар** амалга оширилди:

- 1) “Суриштирув, дастлабки тергов органлари ҳамда жазони ижро этиш муассасалари фаолияти устидан суд назоратини жорий қилиш”;
- 2) “Аёллар ва болалар мулкӣ ҳуқуқ ва манфаатларини ҳуқуқий таъминлаш масалалари”.